

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА МАЛОХАТ САДИЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ОЛМА ВА НОК КЎЧАТЛАРИНИ
ПАСТ БЎЙЛИ ПАЙВАНДТАГЛАРДА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Юсупова Малохат Садиллаевна

Хоразм вилояти шароитида олма ва нок кўчатларини паст бўйли
пайвандтагларда етиштириш технологиясини
такомиллаштириш..... 3

Юсупова Малохат Садиллаевна

Совершенствование технологии выращивания саженцев груши и
яблони на карликовых подвоях в условиях хорезмской области.....19

Yusupova Malokhat Sadillaevna

Improvement of technology of growing seedlings of pear and apple trees on
dwarf rootstocks in conditions of the khorezm region..... 34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА МАЛОХАТ САДИЛЛАЕВНА

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ОЛМА ВА НОК КЎЧАТЛАРИНИ
ПАСТ БЎЙЛИ ПАЙВАНДТАГЛАРДА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx101 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исламов Соҳибжон Яхшибекович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Кайимов Абдухалил Кайимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктор, профессор Абдуллаев Равшан Мавлянович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «25» декабр соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535945-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил «10» декабрда тарқатилди.
(2018 йил «3» декабрдаги 35.6-рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,
академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.н., доцент

М.М. Адиллов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, боғлар барпо этиш ва уларда олма ва нок етиштиришнинг энг мақбул тури бу – интенсив боғлар ҳисобланади. Сўнгги икки-уч йил ичида барча Европа давлатлари, АҚШ ва Канадада боғдорчилик тўла паст бўйли пайвандтагларга ўтказилди, натижада боғлар ер майдонининг ҳажми икки баробарга қисқартирилди ва маҳсулот етиштиришни икки баробарга кўпайтиришга имкон яратилди¹. Олма ва нок навларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш Россия, Туркия, Германия, Польша, Хитой, Франция, АҚШ, Буюк Британия давлатларида кенг йўлга қўйилган. Дунё бўйича олма ва нок навларини ишлаб чиқариш бўйича Хитой етакчи ҳисобланади. Дунё боғдорчилигида кучсиз ўсувчи олма пайвандтагларидан фойдаланиш орқали юқори ҳосилдор (анъанавий боғларга нисбатан икки ва ундан кўп марта ортиқ), тез ҳосилга кирувчи, парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш бўйича барча ишларни осонлаштирувчи интенсив боғларни барпо қилиш имконияти яратилмоқда.

Мамлакатимиз боғдорчилигида олма ва нок кўчатларини етиштиришда паст бўйли пайвандтагли юқори самарали интенсив боғларга ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, боғларнинг ҳосилга киришини тезлаштириш, уларнинг фойдаланиш даврини узайтириш, ҳосилдорликни ошириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос мева етиштириш мақсадида республикамиз тупроқ иқлимига мос, интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи пайвандтагларни кўпайтириш, янги истиқболли пайвандтагларнинг сув ва озуқа тартибларини ишлаб чиқиш, уларнинг энг мақбулларини танлаш ва пайванд қилиш технологияларини такомиллаштиришга эришилмоқда. Шўрланган тупроқ шароитларида куртак пайванд қилишнинг мақбул муддатларини аниқлаш, паст бўйли пайвандтагларда кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва стандарт кўчат чиқиши миқдорини ошириш масалаларига бағишланган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳисобига тўла қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб турли минтакаларнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мева-сабзавот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички бозорни тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган бир қатор лойиҳаларга мувофиқ кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “... мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини

¹<http://sifibr.irk.ru/innovation/innovation-projects/389-2011-07-20-06-40-05.html>

сезиларли даражада ошириш ...” вазифалари белгилаб берилган². Бу борада шўрланган тупроқ шароитларида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш учун мос келадиган пайвандтагларни танлаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон ва 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунё мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ривожига мевачиликка катта эътибор қаратмоқда. Дунё миқёсида олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш бўйича тадқиқотлар Россия, Хитой, Ҳиндистон, Германия ва АҚШ мамлакатларида олиб борилган, олимлардан: В.И. Будаговский, И.Г. Гулько, К.В. Васильев, В.А. Вавилов, Г. В. Трусевич, Ю. Л. Кудасов, Ю. Л. Целникер, В.К. Смиков, В.И. Сенин, В.Н. Сукачева, К.С.Глушенко, А.Д. Верминичева, О. К. Афанасьев, Г. Корчатова, Э. Санот, В. Гринко, Л. М. Ру, И. А. Коломиец, В.Е. Перфильв, А.Ф. Попов, П. Иванов, R. Hatton, Carlson R.F., Oh S.D., Fehrmann W., Fisher M., Ferre D.C., Parry M.S., Rogers W.S., Tukey H.V., Webster A.D. ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилиб, паст бўйли олма навларини аниқлаш ва улардан кўчат етиштиришда фойдаланиш бўйича кўплаб тажрибалар ўтказилган.

Республикамизда МДХ мамлакатларидан келтирилган пайвандтаглар ўрнига ҳозирги кунда Фарбий Европадан келтирилган пайвандтаглар етиштирилмоқда, пайванд қилинган янги навлар экилгандан кейин навларнинг деярли кўпчилиги ижобий натижа бермаган. Бунинг асосий сабабларидан бири тупроқнинг шўрланиши бўлиб яратилган кўчат навларида эса, шўрланишнинг ўсишига таъсири катта бўлиб, келгуси ривожига жиддий зарар кўрсатилганлиги аниқланган, натижада яратилган навларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиб бориши кузатилган.

Республикада олма ўсимлигини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш бўйича Р.Р. Шредер, А.А. Рибакон, М.М. Мирзаев, О.К. Афанасьев, С. Остроухова, И.П. Гулько, К.В. Васильев, Т.Э. Останакулов, Ж.М. Мусаев, Э.Т. Тошматов, А.Х. Хамроходжаев,

² www.lex.uz

Ҳ.Ч. Бўриев, Р.М. Каримов, Б.Ш. Улмасбаев, А.У. Арипов ва Б.Х. Ғуломов каби олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Мевачилик соҳасида боғларни ташкил этиш ва уларга кўчат навларини экишда ер ости агрессивлик хусусиятга эга бўлган сув-грунт муҳитини ўрганиш бўйича биздан олдинги тадқиқотчилар томонидан изланишлар олиб борилмаган, маълумотлар ҳам бирор бир илмий манбаларда келтирилмаган. Кучсиз пайвандтагларда олма кўчатларининг чиқишини ошириш борасидаги мазкур муаммонинг ўрганилганлиги бўйича тўпланган тажрибалар етарли эмас. Шунинг учун республиканинг шимолий ҳудудларида олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХАЁ-8-002 “Амалий селекцияда фойдаланиш мақсадида мевали экинлар генофондини маҳаллий навлар билан бойитиш” (2012-2013 йй.); ҚХА-9-100 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ва қайта тикланувчи энергетик ресурслардан комплекс фойдаланишга асосланган энергия-ресурс тежамкор экологик хавфсиз электротехнологияларини ва техник воситаларини яратиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги илмий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти шароитида олма ва нок кўчатларини етиштиришда вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларни она кўчатзор ҳамда кўчатзорнинг биринчи ва иккинчи даласида сифатли кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқларида вегетатив кўпаядиган олма ва беҳи пайвандтагларини интенсификация етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

шўрланган тупроқларда вегетатив кўпаядиган олма ва беҳи пайвандтаг қаламчаларини кўчатзорнинг биринчи даласида мақбул экиш схемаси ва чуқурлигини аниқлаш;

шўрланган тупроқларда вегетатив кўпаядиган истиқболли олма ва беҳи пайвандтагларида маҳаллий ва районлаштирилган навларнинг ўзаро муносабати аниқлаш;

Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқларида вегетатив кўпаядиган олма пайвандтагларига маҳаллий олма навларини пайвандлаш муддатларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, олманинг турли ўсиш кучига эга бўлган вегетатив йўл билан кўпаяувчи пайвандтаглари - М-7, М-9, ММ-102, ММ-104, ММ-105 ва ММ-106 ҳамда беҳининг - Беҳи “А”, Беҳи “ВА-29”, Беҳи “С”, Беҳи “R₃” пайвандтаглари шунингдек, маҳаллий ва районлаштирилган олманинг “Ренет Симиренко”, “Қанд олма”, “Ўзги Хазорасп”, “Қизил олма”, “Қишки Хазорасп” ва “Карвак” ҳамда нокнинг “Зимняя нашвати 2”, “Юрт нашватиси”, “Олмурут”, “Хон нашватиси” ва

“Шакар-мурут” навларининг ўсимликлари, қаламчалари ва кўчатлари тадқиқот объекти ҳисобланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пайвандтаг новдалари, куртаклари ва илдиз тизимининг совуққа чидамлилиги, пайвандтаглар она тупларининг суғориш тартиботи, пайвандтагларни кўпайтириш усуллари, пайвандтагларнинг қаламчаларини экиш олди тайёрлаш тартиби, экиш схемалари ҳамда экиш чуқурликлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мевачиликда умумқабул қилинган қуйидаги услублардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди: Х.Ч. Бўриев ва бошқаларнинг “Мевали ва резавор-мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблаш ва фенологик кузатувлар методика”сидан, физиологик тадқиқотлар В.А. Колесниковнинг “Мевали экинлар навларини синаш услуги ва дастури”га, “Мевали ва резавор мевали экинлар билан тажрибаларда ҳисобга олиш ва кузатишлар методикаси”, “Олманинг клон пайвандтагларини комплекс ўрганиш бўйича методик тавсиялар”, илдиз тизимининг фаол қисмини ўрганишда “монолитлар” усулидан; С.А. Остроухованинг “Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма”сидан; маълумотларнинг математик-статистик таҳлиллари Б.А. Доспеховнинг услуги бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқларида вегетатив йўл билан кўпайтирилган олма ва беҳи пайвандтаглари типларининг ўсиши ва ривожланишини морфо-биологик хусусиятлари аниқланган;

тадқиқотлар ўтказилган шўрланган тупроқларда вегетатив кўпаядиган олма ва беҳи пайвандтаг қаламчаларини кўчатзорнинг биринчи даласида мақбул экиш схемалари ва чуқурлиги аниқланган;

шўрланган тупроқларда вегетатив кўпаядиган истиқболли олма ва беҳи пайвандтагларида маҳаллий ва районлаштирилган навларнинг ўзаро муносабати аниқланган;

пайвандтаглар новдалари, куртаклари ва илдиз тизимининг совуққа чидамлилиги, уларни технологик босқичлари ва сизот сувларининг таъсири аниқланган;

вегетатив кўпаядиган олма ва нок навларини Хоразм вилояти шароитида қаламча қилиб экишнинг оптимал муддатлари, олма навларини олма пайвандтагига, нокни беҳи пайвандтагларига пайванд қилиш муддатларининг экиладиган материал чиқишига таъсири ва тупроқнинг ортиқча намланишига чидамлилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

боғдорчилик учун кўчатларни ёзги-кузги даврда пайвандтаг ва пайвандуст тўқималарининг тўғри уланишини инобатга олиб ва ўсимлик пўстлоғи тагидаги тез ўсиш хусусиятига эга камбий қатламнинг фаоллик суръати ва ушбу даврда куртак пайванд қилишнинг қулай муддатлари аниқланган;

пайванд қилинган куртакларнинг тутиб кетиш сифати, қишки даврда

уларнинг сақланувчанлиги ва стандарт олма кўчати чиқишини ошириш учун пайвандтагларга олма ва нок навлари куртакларини қуйидаги муддатларда пайванд қилишда яъни, ММ-106 пайвандтагларга 15 июлдан 25 июлгача, ММ-102 пайвандтагларга 25 июлдан 25 августгача бўлган муддатларда юқори натижаларга эришилган;

она кўчатзор, биринчи ва иккинчи дала кўчатзори шароитларида олма ва нокнинг пайвандтагларини етиштириш технологиясининг асосий элементлари ишлаб чиқилди. ММ-102 ва ММ-106 пайвандтагларида барглари ассимиляция сатҳи бўйича назоратга нисбатан яъни, олмани кечки “Ренет Симиренко” (назорат)га нисбатан энг юқори кўрсаткичлар олма навларидан “Қишки Хазорасп” ва “Қизил олма” навларида бўлган, улар 18,1% кўшимчани ташкил қилган, уларда фотосинтез жараёни яхши ўтаётганлиги аниқланган;

кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштирилганда олма учун гектаридан олинган соф даромад 236496,0 минг сўмни, нок учун 240249,0 минг сўмни, олма ва нок етиштиришда кўчатларнинг таннари 287 сўм/дона, кўчатзорнинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги 130% га эришиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий тадқиқот натижаларини илмий лойиҳалар доирасида бажарилганлиги, уларни апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Тошкент давлат аграр университети кафедралараро кенгайтирилган қўшма йиғилишида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба натижаларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларини республика ва хорижий илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олма ва беҳи қаламчаларини экишга тайёрлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги, шўрланган тупроқларда кўчатларни етиштириш технологияларидан фойдаланиб интенсив кўчатзор яратишнинг илмий асосланган агротехнологик тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса 50x25 см экиш схемасида етиштирилган олма ва нок кўчатларини тупроққа сульфат ва хлор ионларининг умумий сувда ва тупроқда бўлган миқдорини инобатга олиб шўрланган ерларда олма ва нок пайвандтагларида ернинг шўрланиш градациясини ҳисобга олиб, шўр сувларга чидамли бўлган янги кўчат навларини тупроқнинг РН ҳолати ва ўсимликларни ўсиш шароитига унинг таъсири орқали такомиллаштирилгани бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олма ва нок учун паст бўйли пайвандтагларни танлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

етиштирилган олма қаламчалардан кўчат экишнинг такомиллаштирилган технологияси Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Қирмизи дон”, “Сарвар, Сададдин, Яраш” фермер хўжаликларидида 2,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 апрелдаги 02/22–241-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзорнинг ҳар бир гектар майдонидан ўртача 11,9 млн сўм соф фойда олинган ва етиштирилган ҳар бир кўчатнинг таннархини 185,7 сўмгача арзонлашганлиги ва кўчатзорнинг ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси 150-190 фоизни ташкил этган.

етиштирилган беҳи қаламчалардан кўчат экишнинг такомиллаштирилган технологияси Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Отаназарова Нулифар”, “Рўзагул асали” фермер хўжаликларидида 2,5 га майдонда жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил 27 апрелдаги 01/04–376/18-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзорнинг ҳар бир гектар майдонидан ўртача 6,2 млн сўм соф фойда олинган ва етиштирилган ҳар бир кўчатнинг таннархини 194,6 сўмгача арзонлашган ва кўчатзорнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги 150-190 фоизгача ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика миқёсидаги ва 3 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган: шу жумладан 14 та мақола ЎЗР ОАК томонидан тавсия этилган республика илмий журналларида 12 та (жумладан 2 таси хорижий), 8 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан 2 таси хорижий) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштиришда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили”** деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимлардан иборат. Уларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар ва истиқболли режалар, олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштиришда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили қилинган бўлиб, унда мевачилик соҳасининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралиги, шўрланган ер майдонларида паст бўйли олма ва нок навларини етиштириш бўйича тадқиқот таҳлиллари, аҳолининг мева дарахтларига бўлган талабини қондиришда мевачиликнинг ўрни, олма ва нокни паст бўйли пайвандтагиларда етиштиришда шўрланган тупроқларда сизот сувларининг яқинлиги шароитида ўстиришни йўлга қўйиш масалалари баён этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган.

Ушбу бобда олма пайвандтаглари ва нав ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши юзасидан фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар ўтказиш шароитлари, пайвандтагга уланган олма ва нок навларининг ривожланиши, тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш тартиби, экспериментал тажрибалар натижаларига ишлов бериш баён этилган.

Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр туниверситетида 2011-2017 йилларда олиб борилган.

Тажрибалар Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Азамат қизи” деҳқон-фермер хўжалиги ва Хива қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи тажриба ер майдонларида олиб борилганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Хоразм вилояти шароитида олма ва нок кўчатларнинг паст бўйли пайвандтагларини етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида Хоразм вилоятининг шўрланган ерларида вегетатив кўпаядиган олма ва нокларнинг паст бўйли пайвандтаглари турларининг ўсиб ривожланиш хусусиятлари ва интенсив боғ барпо қилиш учун яроқли намуналарни ажратиш мақсадида олма ва беҳи пайвандтагларини тажриба ва ишлаб чиқаришда синаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Хоразм вилоятининг тадқиқот ўтказилган жойининг тупроқ-иқлим шароитида пайвандтаг кўчатлари ўсиши ва уларнинг ривожланиши келтирилган. Интенсив типдаги боғ барпо қилиш учун қўлланиладиган олма ва нокнинг ўсиш кучи бўйича фарқланувчи вегетатив йўл билан кўпаювчи ҳар хил истиқболли пайвандтагларнинг, нав-пайвандтаг ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш жадаллигига таъсири ва мувофиқлигини ўрганиш зарурдир. Экилган олма пайвандтагларида фенологик фазаларнинг муддатлари ўрганиш кўрсатдики, М7, М9, ММ105, ММ102, ММ104, ММ106 (назорат) пайвандтагларида куртакларнинг ёзилиш фазаси деярли бир вақтда бошланади, кузатувлар 1-жадвалда келтирилган.

**Олмани паст бўйли пайвандтагларининг фенологик фазалари
(2012-2014)**

Пайвандтаг типлари	Куртакларнинг ёзилиш муддатлари, кун, ой	Новдаларни ўсишининг бошланиши, кун, ой	Новдаларнинг оммавий ўсиши, кун, ой	Новдаларнинг ўсишдан тўхташ муддати, кун, ой	Вегетация даври давомийлиги, кун
М7	9.Ш	20.Ш	1.IV	18.IX	225
М9	9.Ш	20.Ш	28.Ш	16.IX	222
ММ105	11.Ш	20.Ш	30.Ш	19.IX	223
ММ102	10.Ш	19.Ш	28.Ш	17.IX	221
ММ104	11.Ш	18.Ш	30.Ш	17.IX	221
ММ106 (назорат)	7.Ш	16.Ш	28.Ш	17.IX	224


Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида олма пайвандтагларининг ўсиб ривожланиш даври турли эканлиги кузатилди. Олма пайвандтагларининг назорат тариқасида олинган ММ-106 пайвандтагида куртакларнинг ёзилиш муддатлари 7 мартга тўғри келган бўлса, М-7 ва М-9 пайвандтагларида 9 мартда ҳамда ММ-102 пайвандтагида 10 март ва ММ-104, ММ-105 пайвандтагларида 11 мартда бошланди.

Шу билан бир қаторда, ММ-106 (назорат) пайвандтагида – 16 март, ММ-104 – 18 март, ММ-102 – 19 март ҳамда М-7, М-9 ва ММ-105 пайвандтагларида – 20 мартдан новдаларнинг ўсиши бошланди. Шунингдек, синалаётган пайвандтагларда новдаларнинг оммавий ўсиши ММ-106 (назорат), М-9 ва ММ-102 – 28 март, ММ-104 ва ММ-105 – 30 март ҳамда энг кечки М-7 пайвандтагида – 1 апрелда кузатилди.

Вегетация фазаларида олма пайвандтагларидан М-9 – 16 сентябрда, ММ-102, ММ-104 ва ММ-106 (назорат) – 17 сентябрда, М-7 – 18 сентябрда ва ММ-105 – 19 сентябрда новдаларнинг ўсишдан тўхташи кузатилди. Умуман олганда, беҳи пайвандтагларини она кўчатзорда фенологик кузатишлар кўрсатмоқдаки, барча вариантларда куртаклар ёзилиши, новдалар ўсиши ва уларнинг вақтинча тўхташига ҳар хил пайвандтагларнинг таъсирида сезиларли даражада бир-биридан катта фарқ бўлмади. Хоразм вилояти шароитида тажрибадаги кўпчилик ўсимликларнинг вегетация даври узунлиги 221-225 кунда яқунланади.

Кузатувлар натижаларида беҳи пайвандтагларининг баландлиги ҳам олманики каби ҳамма вақт ҳам уларнинг ўсиш кучига мос келавермаслиги аниқланди (1-расм).

15 август муддатида “Беҳи А” пайвандтагида “Хон нашватиси” навида тутиб қолиш даражаси назоратга нисбатан +3,2% юқори бўлганлиги аниқланган, қолган “Олмурут” ва “Шакар-мурут” навларида эса, назоратга нисбатан кам тутиб кетиши кузатилди.



1-расм. Олма ва беҳи пайвандтагларининг ўсиш динамикаси

“Беҳи ВА-29” пайвандтагига “Юрт нашватиси”га (назорат) нисбатан “Хон нашватиси” пайванд қилинган навда 2,3%, “Олмурут нави”да 4,6% ва “Шакар-мурут” навида 8% камлиги; “Беҳи С” пайвандтаги “Юрт нашватиси”га (назорат) нисбатан “Хон нашватиси” пайванд қилинганда 2,4% тутиб кетиши юқори эканлиги, лекин “Олмурут” навида 4,9%, “Шакар-мурут нави”да эса, 7,4% тутиб кетиши пастлиги; “Беҳи R₃ навида “Юрт нашватиси” (назорат) га нисбатан “Хон нашватиси”да 1,2%, “Олмурут нави”да 5,6% ва “Шакар-мурут” навида эса, 7,8% назоратга нисбатан камроқ тутиб кетиши аниқланди.

2-жавдалда келтирилган маълумотларга кўра, MM-106 (назорат) вариантыга нисбатан, қаламчаларинг диаметри бўйича энг паст кўрсаткични M-7 (6 мм) ва MM-2015 (6 мм) пайвандтагида кузатилди.

Бироқ, M-9 ва MM-102 пайвандтагларидида қаламчаларнинг диаметри назоратга нисбатан 1-2 мм га қалинроқ бўлди. Вариантлар бўйича бир гектардаги умумий қаламчалар сони 23102 донадан 24990 донагача атрофида шаклланди. Лекин, тажрибани кузатганимизда стандарт қаламчаларнинг чиқиши назорат вариантга нисбатан MM-102 ва MM-105 пайвандтагларидида мутаносиб равишда 2,2 ва 0,7% га юқори бўлди.

Бу эса, ўз навбатида гектаридан кўшимча 388 ва 126 донагача стандарт қаламчалар олиш имконини берди. Бироқ, M-7, M-9 ва MM-104 пайвандтагларидида назоратга нисбатан 0,4-2,9% га ностандарт қаламчалар шакллантирилганлиги аниқланди.

2-жадвал

**Вегетатив кўпаядиган олма пайвандтагларидан қаламчаларнинг
чиқиши (2012-2014 йй)**

Пайвандтаг типи	Қаламча- ларнинг диаметри, мм	Умумий қаламчалар сони, дона/га	Шундан, қаламчаларнинг чиқиши, дона/га		Назоратга нисбатан стандарт қаламчаларнинг чиқиши, %
			стандарт (8-10 мм)	ностадрат (5 мм дан кичик)	
М-7	6	23708	17304	7416	99,6
М-9	9	24990	17149	7841	98,8
ММ-102	8	24898	17748	7150	102,2
ММ-104	6	23280	16850	6430	97,1
ММ-105	7	23102	17486	5616	100,7
ММ-106 (назорат)	7	24210	17360	6850	100

3-жадвалдан кўришиб турибдики, Беҳи “ВА-29” пайвандтагдан стандарт қаламчаларнинг чиқиш назоратга нисбатан кўп (4,9%), қаламчалар диаметри бўйича назоратдагига нисбатан (9 мм) яхши натижа берди. Назоратга нисбатан кам кўрсаткич Беҳи “С” пайвандтагда стандарт қаламчалар чиқиши 95,1 фоизни ташкил қилди.

3-жадвал

**Вегетатив кўпаядиган беҳи пайвандтагларидан қаламчаларнинг
чиқиши (2012-2014 йй)**

Пайвандтаг типи	Қаламча- ларнинг диаметри, мм	Умумий қаламчалар сони, дона/га	Шундан, қаламчаларнинг чиқиши, дона/га		Назоратга нисбатан стандарт қаламчаларнинг чиқиши, %
			стандарт (8-10 мм)	ностадрат (5 мм дан кичик)	
Беҳи “А” (назорат)	8	23980	16786	7194	100
Беҳи “ВА-29”	9	24475	17622	6853	104,9
Беҳи “С”	6	23126	15956	7170	95,1
Беҳи “R ₃ ”	7	23040	15897	8143	94,7

Олма навлари барглари ассимиляцияцион сатҳининг ўзгариши.

Олма кўчатзорида ММ-102 пайвандтагида олманинг кечки навларини етиштиришда барглари ассимиляцияцион сатҳининг ўзгариши бўйича тадқиқот натижаларига кўра ММ-102 пайвандтагида бир туп олма кўчатидаги барглари сони бўйича энг юқори кўрсаткич олманинг кечки “Қишки Хазорасп” ва “Қизил олма” навларида назорат навиға нисбатан кўпроқ бўлган ва 58-59 донани ташкил қилган. Янги ММ-102 ва ММ-106 пайвандтагларидан интенсив

олманинг ёзги ва кечки навлари кўчатининг ассимиляцияцион сатҳи ўзгариши ўрганилганда маълум бўлдики, назоратдаги кечки “Ренет Симиренко” навига нисбатан “Қишки Хазорасп” ва “Қизил олма” ҳамда “Ёзги Хазорасп” ва “Карвак” навлари баргининг ассимиляцияцион сатҳи юқори бўлиб кўчатларининг ташқи кўриниши назорат навидан ажралиб турди.

“Ёзги Хазорасп” олма нави кўчатларининг ривожланиши пайванд қилиш муддати ва пайвандтаг типига боғлиқ равишда М7 ва ММ-102 пайвандтаг навларидан бирмунча фарқ қилди. Мазкур нав кўчатлари улардан баланд бўйли бўлиб ўсиши билан ажралиб турди. Уларнинг бўйи кучли ўсувчи пайвандтагда 152,3 см, ўртача ўсувчи пайвандтагда 131,0 см ва паканада 136,9 см га етди.

“Қанд олма” навининг кучли ўсувчи ММ-106 пайвандтагида етиштирилган кўчатлари ўзаро солиштирилганда энг юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Олинган тажриба натижаларида тажриба вариантыдаги кўчатлар танасининг диаметри ўртача 12 мм, битта ўсимликда шаклланган барглар сони эса ўртача 211 донани ташкил этди. Ўртача ўсувчи ва пакана пайвандтагларда етиштирилган ўсимликларда эса, юқорида тавсифланган ривожланиш кўрсаткичлари анча паст эканлиги аниқланди, уларнинг кўрсаткичи 11,3 мм ва 159; 11,4 мм ва 183 донадан ошмади. Кучли ўсувчи пайвандтагдаги ўсимликларга нисбатан таққослаганда уларнинг ривожланишида умумий орқада қолиш 13,2-24,6% ни ташкил этди.

“Қанд олма” олма нави синаб кўрилганда кўчатларининг ривожланиши пайванд қилиш муддати ва пайвандтаг типига боғлиқ равишда М7 ва ММ-102 пайвандтаг навларидан бирмунча фарқланиши кузатилди. Кузатилган нав кўчатлари улардан баланд бўйли бўлиб ўсиши билан ажралиб турди. Уларнинг бўйи кучли ўсувчи пайвандтагда 135,2 см, ўртача ўсувчи пайвандтагда 116,6 см ва паканада 123,6 см га етди.

2012-2013 йиллар давомида олиб борилган тажриба натижалари бўйича яхши кўрсаткичлар аниқланган олма учун ММ-106, М-102 ва М7 пайвандтаглари танланиб, Хоразм шароитида маҳаллийлаштирилган навлардан “Ёзги Хазорасп” ва “Қанд олма” олма нави кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига куртак пайванд қилиш муддатининг таъсири ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига асосан Хоразм шароити учун ММ-106, ММ-102 навлари куртак пайванд қилиш учун “Ёзги Хазорасп” ва “Қанд олма” олма навларини ёзги даврларда қўлланилиши ижобий натижа беради. Пайванд қилиш муддатлари этиб 15 июлдан 25 август кунлари белгиланиши мумкин.

Олма ва нок кўчатларининг совуққа чидамлилиги. Тадқиқотларда шу нарса кузатилдики, тупроқнинг 25-35 см чуқурликка музлаши қайд этилди, лекин мазкур қатламда харорат-7-8⁰С дан пасаймади, яъни илдизларнинг музлаб қолиш хавфини туғдирмади. Тадқиқотда аниқланган маълумотларга

кўра қишда совукдан бошқа пайвандтагларга нисбатан паст бўйли олма пайвандтаглари М9 (9%), М7 (10%), ММ-105 (10%) ҳамда беҳи пайвандтаг типларида “Беҳи С” (11%), “Беҳи R₃” (10%) ва назоратдаги “Ренет Симиренко” олмасидаги кўчатлар кучлироқ зарарланганлиги аниқланди.

ММ-104 (7%), ММ-106 (6%), ММ-102 (7%) олма пайвандтаги типларида ва беҳи пайвандтагларида “Беҳи А” (6%) ва “Беҳи ВА 29” (7%) бир мунча камроқ зарарлангани кузатилди.

Диссертациянинг **“Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқларида истиқболли олма ва беҳи пайвандтагларига маҳаллий ва районлаштирилган навларни танлаш”** деб номланган тўртинчи бобида паст бўйли пайвандтагларда олма ва нок кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқланди. Унга кўра энг юқори бўлган ММ-102 олма пайвандтагларини она кўчатзорда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги:

кўчатларни етиштириш учун сарфланган умумий харажатлар гектарига ўртача ММ102 олма пайвандтаг қаламчасида 4375,0 минг сўмни, олма стандарт қаламчаларининг чиқиши 17700 донани, “Беҳи ВА-29” пайвандтаг қаламчасида стандарт қаламчаларнинг чиқиши 17600 донани ташкил этган. Фермер хўжаликларида олма ва беҳи кўчати маҳсулотлари сотишдан олинган гектаридан умумий соф фойда 7,1 млн. сўмни ташкил этади, етиштирилган қаламчаларнинг таннари 248,5 сўм ва кўчатзорнинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги 80,9 га тенгдир, яъни мазкур ёшда ушбу қаламчалар ҳали рентабелли эмасдир.

Экиш схемаси бўйича етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги:

кўчатларни етиштириш учун сарфланган умумий харажатлар гектарига ўртача олма ва нок кўчатида 18288,0 минг сўмни, олма стандарт кўчатларининг чиқиши 63606 донани, нок стандарт кўчати чиқиши 63720 донани, кўчат сотиш нархи 4000 сўмни ташкил этган бўлиб, фермер хўжаликларида маҳсулот сотишдан олинган соф фойда гектаридан олма учун 236496,0 минг сўм, нок учун 240249,0 минг сўм, олма ва нок учун етиштирилган кўчатларнинг таннари 287 сўм ва кўчатзорнинг ишлаб чиқариш фаолияти рентабеллиги 130% га тенг бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида аниқланган маълумотлар асосида тажриба ер майдонлари тупроқ ва иқлим шароитларида вегетатив усулда кўпайтириладиган пакана пайвандтагларнинг юқори илдиз олиши, уларга стандарт олма ва нок навларини улаб кўчат етиштириш мақсадида:

1. Хоразм вилояти шароитида етиштириладиган районлаштирилган олма новдаларидан яхши кўрсаткичларга эга бўлган ММ-102 ва ММ-106

пайвандтагларга кўпроқ ёзги ва қишқи навлардан “Қизил олма” ва “Қишқи Хазорасп” навларини, нок навларидан Беҳи “А” ва Беҳи “ВА-29” пайвандтагларига кўпроқ “Юрт нашватиси” ва “Хон нашватиси” пайванд қилинган навлар билан уйғунлиги яхши ҳисобланади.

2. Кўчатларнинг жойлашиш зичлигини, кўчатлар ҳажми ва қатор ораларига техника билан ишлов беришни, кўчатлар танасига тушадиган ёруғлик миқдорини инобатга олиниб, кўчат экиладиган ер майдонлари олма ва беҳи пайвандтаглари учун она кўчатзорларида оптимал экиш схемаси 200×20 см ҳамда 1-чи, ва 2-чи дала кўчатзорларида 50х25см тўғри келиши аниқланди.

3. Пайвандтагларни август ойида пайванд қилинганда штамбининг диаметри 0,8-1,0 см гача, илдизлар сони эса 15-20 донага етиши, келаси йили ушбу навлар кучли шохланган кўчат бўлиб етилиши кузатилди. Пайвандтагларнинг аксарият қисмида вегетациянинг бошланиши олманинг “Ренет Симиренко” нави (назорат) билан бир вақтда бошланади, фақатгина М-7 ва ММ-105 пайвандтагларида у назоратга нисбатан 5-10 кунга кечикади.

4. Ўрганилган пайвандтагларнинг асосий қисмида вегетация даврининг давомийлиги Хоразм вилояти шароитида 221-225 кунни ташкил этади. Экин тури ва навлар хусусиятига қараб, экилган навлар тез ривожланиши учун талаб даражасида намлик ва иссиқлик керак бўлиши, навлар кузда экилганда тупроқ ва ҳаво ҳароратининг пасайиши натижасида ривожланиш муддатлари узайиши, навларнинг ривожланиш даврлари давомийлиги табиий-иқлим шароити, нав биологияси ва вегетация даврида тўпланган фойдали ҳарорат йиғиндиси билан боғлиқ бўлади. М-7 пайвандтагида вегетация даврининг биологик кўрсаткичи 10 кунга, ММ-104 ва ММ-105 пайвандтагларида эса, мос ҳолда 15 кунга қисқароқ бўлди. Олма пайванд қилишни август ўрталаригача ўтказилганда 88,8% дан 95,7% гача, нок пайвандтагида эса, июл ўртасидан 15 августгача амалга оширилганда 97,0% гача бўлган кўрсаткичларга эришиш мумкин.

5. Пайвандуст қаламчаларини танлаб олиш ва уларни сақлаш муддатлари тўғри белгиланиши пайвандуст ва пайвандтаг ривожланиши учун касалланишга чалинмаган қаламчаларнинг мос келишини таъминлашдан иборат. Новда ҳосил қилиш ММ-102, ММ-106 ва М-9 пайвандтагларида юқори, М-7, ММ-104 ва ММ-105 пайвандтагларида эса, паст даражада бўлганлиги кузатилди.

6. Тадқиқотлар натижаларига асосан новдаларнинг йиллик ўсиши ММ-102, ММ-106 ва М-9 пайвандтагларида (65%гача) август ойигача кузатилади. Новдаларнинг ўсиш фаоллиги (ҳар ойда 15-20% ўсиш қўшилиши билан) ММ-102, ММ-106, М-9 пайвандтагларида июн июл ойлари мобайнида барқарор ўсиш тенденциясига эга, бу эса, пайванд даврида куртакларнинг юқори даражада тутишини таъминлайди.

7. Қаламчаларнинг юқори илдиз отувчанлиги (65-80 %) ММ-102, ММ-106, “Қанд олма”, “Ёзги Хазорасп” олмалари пайвандтағларида; ўртача илдиз отувчанлик (45-60 %) М-9 ва ММ-104 “Қизил олма” ва “Қишқи Хазорасп”; паст илдиз отувчанлик (30-45 %) М-7, ММ-105 “Карвак” олма пайвандтағида кузатилади.

8. Тадқиқотларда кўриб чиқилган кўчат етиштириш учун РН= 6,5-7,0 мақбул ҳисобланиб, РН кўпайиб кетган ҳолатда ҳар хил муаммолар келиб чиқиши, олма ва нок паст бўйли пайвандтағ кўчатларида тупроқнинг РН оптималлиги ва тупроқнинг кислоталик ва ишқорлилиги инобатга олиниб, улар юқорида келтирилган диапазон орасида бўлиши керак. Хоразм шароитида ўсимлик-тупроқ қатламида тузларнинг тўпланиши тўлиқ ўрганилиб, ер ости сувлари ва грунтлар таркибидаги тузларнинг пайвандтағ илдизларига таъсири баҳоланиб, уларга чидамли бўлган пайвандтағ кўчатларини етиштириш технологияси жорий этилди.

9. Пайвандтағ-пайвандуст ўсимликлари хужайраларининг камбиал фаоллигини ҳисобга олган ҳолда куртак пайвандни ўз вақтида ўтказиш пайвандуст куртакиларнинг яхши тутиши ва стандарт олма ва нок кўчатларининг чиқишини оширади, бунда кўчатзорнинг ҳар бир гектар майдонидан олма учун 236496,0 минг сўм ва нок учун 240249,0 минг сўмгача соф фойда олиш, етиштирилган ҳар бир кўчатнинг таннархини 287 сўмгача тушириш ва кўчатзорнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини 130% гача кўтариш имконияти вужудга келади.

10. Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқлари учун чидамли бўлган олма кўчат навларидан “Ёзги Хазорасп”, “Қанд олма” ва нок навларидан “Юрт нашватиси”, “Хон нашватиси” навлари тавсия қилинади.

11. Шўрланган тупроқ шароитида маданий районлаштирилган олма ва нок кўчатларини етиштиришда олма навларини олма пайвандтағига, нок навларини эса, беҳи пайвандтағига пайванд қилиш тавсия этилади.

12. Олма ва нок пайвандтағларни она кўчатзордан кўчириб олиб биринчи далага экишда мақсадга мувофиқ зичлик ва тегишли ер майдонига энг кўп кўчат экилишини таъминлаш учун 50x25 см схемасида экиш тавсия қилинади.

13. Олма ва нок пайвандтағларини биринчи далага экишда 15-17 см чуқурликда экиш, пайвандлашни эса, 25 июлдан 25 августгача муддаларда амалга ошириш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Сх.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЮСУПОВА МАЛОХАТ САДИЛЛАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
САЖЕНЦЕВ ГРУШИ И ЯБЛОНИ НА КАРЛИКОВЫХ ПОДВОЯХ В
УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx101.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-станции Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Исламов Соhib Яхшибекович доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Официальные оппоненты:	Кайимов Абдухалил Кайимович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Абдуллаев Равшан Мавлянович кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт растениеводства

Защита диссертации состоится «25» декабря 2018 года в 13³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535945). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «10» декабря 2018 года.
(реестр протокола рассылки №35.6 от «3» декабря 2018 года).

Б.А. Сулаймонов
Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов
Ученый секретарь научного
совета по присуждению
ученых степеней, к.с.х.н.,
доцент

М.М. Адиллов
Председатель научного
семинара при Научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и потребность темы диссертации. Как показывает мировой опыт, самым лучшим способом создания садов для выращивания яблони и груши является выращивание интенсивных садов. За последние два-три года всё садоводство Европейских стран, Соединённых Штатов Америки и Канады было переведено на низкорослый подвой, в результате чего в два раза были сокращены площади, предназначенные для выращивания садов, это в свою очередь дало возможность увеличить количество выращиваемых деревьев, а значит и продукции¹. Подвойное выращивание низкорослых сортов яблони и груши широко применяется в таких странах как Россия, Турция, Германия, Польша, Китай, Франция, США, Великобритания. По сведениям, лидирующей страной, выращивающей яблони и груши является Китай. Во многих странах мира разрабатываются эффективные методы по созданию маточников вегетативно размножаемых подвоев, выявлению из них слаборослых, холодо и засухоустойчивых форм, размножению подвоев вегетативным путём.

В садоводстве республики при выращивании яблони и груши реализуются меры по созданию высокоэффективных интенсивных садов на слаборослых подвоях. В целях рационального использования этих высвобождающихся земель, обеспечения раннего вступления в плодоношение, увеличения продолжительности продуктивного периода жизни, увеличения урожайности и выращивания урожая, отвечающего требованиям мировых стандартов совершенствуются технологии по размножению подвоев с учетом почвенно-климатических условий республики и ориентированных на закладку садов интенсивного типа, разработки питательного и водного режимов новых перспективных подвоев и выбору из них самых оптимальных вариантов. Научные исследования по выявлению оптимальных сроков окулировки, совершенствованию технологии выращивания сортовых саженцев и увеличению выхода качественного посадочного материала при условиях засоленной почвы являются актуальной задачей.

В республике проводится ряд обширных работ по полному обеспечению населения продуктами питания за счет выращиваемых отечественных продуктов. Исходя из внутренних ресурсов и благодаря ряду проектов, разработанных по выращиванию, переработке, экспорту и наполнению внутреннего рынка плодоовощной продукцией проводятся широкомасштабные работы. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. изложены задачи дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой продукции, значительного увеличения экспортного потенциала аграрного сектора². В этой связи актуальным является выбор

¹<http://sifibr.irk.ru/innovation/innovation-projects/389-2011-07-20-06-40-05.html>

² www.lex.uz

подходящих подвоев для развития интенсивного садоводства в условиях соленой почвы.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, касающихся развития сельского хозяйства и нашедших своё отражение в таких нормативно-правовых документах, как Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2460 от 29 декабря 2015 г. “О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годы”, №ПП-2505 от 05 марта 2016 года “О мерах по дальнейшему развитию сырьевой базы, углублению переработки плодоовощной и мясомолочной продукции, увеличению производства и экспорта продовольственных товаров в 2016 - 2020 годах”.

Связь исследования с основными приоритетами развития науки и техники республики. Исследование проводилось в рамках приоритетной области национального развития науки и техники V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Все страны мира большое внимание уделяют развитию сельского хозяйства и, в том числе, плодоводству. Исследования по разработке технологии интенсивного выращивания слаборослых подвоев яблони, груши, саженцев плодовых растений проводились в России, Китае, Индии, Германии и США, такими учеными как: В.И.Будаговский, И.Г.Гулько, К.В.Васильев, В.А.Вавилов, Г.В.Трусевич, Ю.Л.Кудасов, П.Шит, Ю.Л.Целникер, В.К.Смиков, В.И.Сенин, В.Н.Сукачева, К.С.Глушенко, А.Д.Верминичева, О.К.Афанасьев, Г. Корчатова, Э.Санот, В.Гринко, Л.М. Ру, И.А.Коломиец, В.Е.Перфильв, А.Ф.Попов, П.Иванов, R.Hatton, R.F.Carlson, S.D. Oh, W.Fehrmann, M.Fisher, D.C.Ferre, M.S.Parry, W.S.Rogers, H.B.Tukey, A.D.Webster и другие, ими были проведены эксперименты по идентификации многих сортов низкорослых яблок и их использованию в производстве саженцев.

